***(Ватандошомоя** мўлиш Рассияба)* каби лексемалар қўлланади. Худди шу ҳолатни ўзбекча мулоқот жараёнида ҳамқишлоқ, ҳамшаҳар, ҳамсинф шаклидаги лексемалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, икки тилда **-дош** қўшимчаси шахс оти ясовчи қўшимча сифатида қабул қилинган. Шунингдек, **"-дош"** қўшимчаси форс-тожик тилида алоҳида лексема сифатида қўлланиб: ***катта, улкан; чидам бардош*** каби маъноларни билдиради. Зарафшон ҳудудидаги икки тиллилик шароитида **"бардоштан"** феълга хос лексема сифатида ишлатилади: *У шунча жабр-ситамларга **бардош** берди. Вай тамоми нозукиҳои ҳаёт **бардошт** дода тавонист*. Аммо ҳар икки тилда кузатиладиган бошқа бир ҳолат ҳам мавжуд. **Катта** маъноси ўзбек тилида **"дош"**, тожик адабий тилида эса **"калон"** сўзи билан ифодаланади. Масалан: *Модарон **дар деги калон** сўмалак мепазанд. **Дошқазонда** момоларимиз сумалак қайнатадилар).* Шунингдек, Зарафшон водийси аҳолиси нутқида, **"дош"** қўшма лексема ва содда лексема синонимик қаторларини ҳам ҳосил қилиши кузатилади: **Бардошли//дош додан** *(Шу одамни отаси раҳмат, жуда **бардошли** инсон экан. Падарашба раҳмат, ҳаминқата азобоба **дош** дод),* **дош бермади//дош надод** *(Касални оғриқда юраги **дош бермади.** Вай ин корба **дош надод),*** **бардошташ(*кутариши*),** *(Чан пул гирадам **бардошташба** зан), (У шунча ғамни кўтарди, Аҳмад ҳаммасига бардош берди)* ва б.

Шунингдек, ҳудуд шеваларида, ***-дор, -каш, -соз, -хона, -паз, -боз, -сер, -парвар, -обод*** каби қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган лексемалар ҳам икки тил луғат бойлигининг фаол лексикаси таркибига киради. Улар ҳақида кейинги ишларимизда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан Бухоронинг Қоракўл туманигача бўлган катта бир ҳудудда икки халқ вакиллари Ватан равнақи йўлида бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишмоқда. Кундалик мулоқот жараёнида ўзаро таъсир нафақат икки тил лексикасида, балки грамматикасида ҳам ўз аксини топганлиги ҳақида кўплаб далиллар келтириш мумкин [7].

Ҳудудга хос икки тиллилик бўйича олиб борилган кузатишлар нафақат тожик тили шеваларида ўзбекча ўзлашмалар, балки ўзбек тили шевалари луғавий қатламининг бойишида форс-тожикча лексемалар ва уларни ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг ўрни беқиёслиги икки тилнинг бир-бирига таъсири чексизлигидан далолат беради.

Лексикология тилшуносликнинг тез ўзгарувчан сатҳидир. Бу ҳолат мазкур водий аҳолиси нутқида мустақиллик давридан кейин тўласича акс этганлигини кўриш мумкин. Шу боис ҳам икки тилда сўзлашувчилар нутқига хос паралел ўзлашмаларни ҳамда уларнинг алоқаларини тадқиқ этиш бугунги қиёсий тилшунослигимиз олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Хуллас, Зарафшон водийси ўзбек ва тожик тили икки тиллилик шароитида лексемаларни ҳосил қилишнинг ўзига хос системаси мавжуддир. Бу эса ўзлашма лексема ҳосил қилувчилар ёрдамида тил луғат бойлигидаги семантик ўзгаришларга сабаб бўлади ва тилдаги лексемалар миқдорини оширади ҳамда тиллараро алоқаларининг янада ривожланишига хизмат қилади.

**Адабиётлар**

1. Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. –Тошкент: «Фан», 1983.
2. Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. НДА. –Тошкент: 2007.
3. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. –Тошкент: 2007.
4. Абдиев М. Касб-корни ифодаловчи шахс номларининг ясалиш асослари. –Тошкент: "Тафаккур" нашриёти, 2015.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. –Тошкент: 2008.
6. Фарҳанги забони тожики. жилди-1. –Душанбе: 2008.
7. Зарафшон водийси дала ёзуви материаллари, 2010-2016.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Зарафшон водийси ўзбек ва тожик тилларида сўз ўзлаштирилиши ҳақида фикр юритилган. Сўз ўзлаштиришнинг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида морфологик усулнинг ҳар икки тилга хос воқеланиши материаллар асосида таҳлил этилган. Таҳлилда бадиий ва сўзлашув нутқи материалларидан фойдаланилган ҳамда улар тегишлича ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье говорится о слово-изменении в системе Узбекского и таджикского языков Зарафшанской долины. Как одна из особенностей слово-изменения – морфологический метод в обеих языках анализирован на основе материалов. При анализе материалов художественная и разговорная речь использована и раскрыта как следует.

**SUMMARY**

The article tells about the word-changing in the Uzbek and Tajik languages of Zarafshan valley. As one of the specific peculiarities of word-changing in the two languages the morphological method is analyzed in accordance with materials. They are deeply revealed by using materials of formal, literary and conversational styles.

## БАДИИЙ МАТНДА ИРОНИК МАЗМУН ИФОДАЛАНИШИДА ЎЗГА ГАПЛАРНИНГ РОЛИ

**Ш.И.Сиддиқова** - *тадқиқотчи*
*Жиззах давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** бадиий матн, ироник мазмун, нутқ, кўчирма гап, ўзга гап, имплицит салбий холат, имтихон олувчи, персонаж, шахс нутқи, ҳикоя, савол, кулги.

**Ключевые слова:** художественный текст, ироническое содержание, речь, чужая речь, имплицитное отрицательное состояние, экзаменатор, персонаж, индувидуальная речь, рассказ, вопрос, смех.

**Key words:** literary text, ironical content, speech, somebody's speech, implicit negative state, examinator, personage, individual speech, a story, question, laughter.

Бадиий матнларда ироник мазмуннинг юзага чиқишида ўзга гапларнинг қатнашиши мулоқотчиларнинг ўзаро муносабатларига қараб белгиланади. Мулоқотчилардан бирининг нутқ вазиятида ўзини тутиши, ҳаракатлари, одоб-аҳлоқ меъёрларига амал қилиши, фикрлаши, нутқий фаолияти бошқа иштирокчиларни қониқтирмаслиги мумкин. "Бунда унинг нутқига сингиб, қоришиб кетувчи ва унинг ахлоқини намойиш этувчи ички ҳолати ҳам сезилиб туради. Инсон вербал воситалар ёрдамида ўз фикрини ифода этар ёки ўзгалар фикрини қабул қилар экан, ана шу нутқий жараёнда тингловчининг ички ҳис-туйғуларини сезади. Бу ҳис-туйғулар унинг нутқида ошкора, баъзида яширин ҳолда амалга оширилади. Бу эса унинг бирор воқеа, ҳодиса, фикрга нисбатан хусусий муносабатини белгилайди. Бундай хусусий муносабатлардан бири ироник мазмун ифодалашдир. Воқеа, ҳодиса ёки у ҳақидаги фикрга бўлган хусусий муносабат баъзан очиқ айтилмай, яширин тарзда ифода этилади" [1]. Тилшуносликда нутқ жараёнида суҳбатдошнинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб, унга нисбатан билдириладиган имплицит салбий муносабатнинг ифодаланиши ирония сифатида талқин қилинади. Ёзувчи Тоҳир Маликнинг "Биргина ишора кифоя" ҳикоясида Бўтақул исмли йигитнинг имтиҳон топшириши тасвирланган. Унинг саводсизлиги, фикрлаш доираси торлиги, шунингдек, у ва имтиҳон олувчи кишилар ўртасидаги муносабат ўзга гаплар воситасида очиб берилган. Имтиҳон жараёнини акс эттирувчи парчани қисмларга ажратган ҳолда таҳлил қиламиз:

Матнда кўчирма гап сўроқ мазмунини ифодалайди:... Бўтақул ўша ишорадан кейин имтиҳон олувчи билан юзма-юз ўтирган эди. Унга қўйиладиган баҳо аввалдан маълум бўлса-да, имтиҳон олувчи ирими учун унга савол берди: "Ньютон қонуни ҳақида нималар биласиз?"

Кейинги ўринда муаллиф гапидан персонажнинг билим даражаси, илмий савияси пастлиги маълум бўлади. Бу ўринда кўчирма гап янги нутқий вазиятни юзага келтириш учун йўналтириш, замин яратиш вазифасини бажарган: Бўтақулга Ньютон деган одамнинг номи сал таниш туюлди-ю, аммо қариндошлари ичида бу одам ким бўлиши мумкинлигини эслолмади. Шунда имтиҳон олувчи унга туртки бўлар, деган умидда "Олма-чи, олмани эсланг" деди.

Матнда суҳбатнинг кейинги босқичида Бўтақул нутқига тегишли бўлган кўчирма гап ўткир кулгини юзага келтирган: Бўтақул шунда эслади. "Россияга олма сотиш қонунини чиқарган масковлик хўжайин" , деб жавоб берди.

Кулги асосига қурилган ушбу суҳбат жараёнининг кейинги босқичида асар муаллифи нутқида иккита кўчирма гап қўлланилган бўлиб, унинг биринчиси асар муаллифининг ўзига, иккинчиси асардаги персонаж – имтиҳон олувчига тегишли: Имтиҳон олувчи "физика фанига Россияга олма олиб бориб сотишнинг нима дахли бор?" деб ўтирмай, ўзича "бу болага қолса Ўзбекистонда узилган олма Россияга бориб Ньютоннинг бошига тушгандир", деб қўя қолди.

Матнда қўлланилган кўчирма гаплар воситасида ўзаро мулоқот жараёнида иштирок этувчи персонажлар савияси, коммуникатив мақсадлари тобора ойдинлашиб бораверади. Имтиҳон олувчи томонидан қўлланилган кўчирма гаплар сўроқ мазмунида бўлиб, улар нутқ қаратилган шахснинг билим даражасини аниқлаштиришга қаратилган: Иккинчи саволни осонроқ қилди. "Беруний киму Беллини ким?" деб сўради.

Бўтақул нутқини ифодалашда муаллиф иккита кўчирма гап келтиради. Дастлабки кўчирма гапда юқоридаги кўчирма гапда ифодаланган сўроқ гапнинг жавобини келтириш билан ўз муносабатини ифодаласа, кейинги кўчирма гапни қўллаш билан персонаж нутқини индивидуаллаштирмоқда: Бўтақул "Беруний - шарқ алломаси, Беллини Европа композитори" деса олам гулистон эди. Аммо бола тушмагур ўйлаб ўтирмай "булар иккови амакивачча" деб қўя қолди.

Кўчирма гаплар бадиий матнда фақатгина дарак ёки сўроқ мазмунини ифодалаш билан чекланиб қолмайди. Улар персонажларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатини ҳам ифодалаши мумкин. Қуйида қўлланилган кўчирма гапларда ана шу ҳолатни кўриш мумкин: Имтиҳон олувчи ичида "пешонамнинг шўри!" деб қўйди, савол берган тилини чайнаб ташламоқчи эди, ҳали учинчи савол ҳам борлигини эслаб, бундан ўзини тийди-да: "карра жадвални ёдлаб беринг", деб илтимос қилди. Бўтақул "уч кара тўққиз ўттиз саккиз" дегунича чидаб ўтирди-да, ваъда қилинган баҳони қўйиб енгил нафас олди ва қутилганига шукур қилди.

Юқорида келтирилган ҳикоя мавзуси ҳажвий асарлар учун хос. Маълумки, ҳажвий асарларда жамият ҳаётида учраб турадиган порахўрлик, тамагирлик, ичкиликбозлик каби салбий иллатлар ўткир танқид остига олинади. Публицистик матнлардан фарқли равишда бадиий адабиётда бу мавзу бадиий тарзда, бадиий тўқима образлар воситасида ёритиб берилади. Тоҳир Маликнинг "Навоий қўй боққанми?" ҳажвий ҳикоясининг қаҳрамони бўлган Думбултой ҳам ана шундай образлардан бири. Аввало, бу ҳикоя мавзуси ҳам юқорида таҳлил қилинган ҳикоя мавзуси билан бир хил – имтиҳон жараёни ҳақида. Ҳикояларнинг қаҳрамонлари ҳам ўзаро ўхшаш. Уларнинг характер-хусусиятлари ҳам бир-бирига ўхшаш. Кейинги ҳикоядаги образнинг Думбултой деб номланиши китобхонда кулги уйғотиши табиий. Тилимизда думбул сўзи ҳали пишмаган, ғўра меваларга нисбатан ишлатилади. Ҳикояда у Думбултойнинг ким эканлигини тавсифлаб, характер-хусусиятлари қандай эканлигини маълум даражада англатиб туради.

Ҳикояда муаллиф Думбултой характери, одатларини тасвирлаш орқали ўқувчини воқеа билан чуқуррок танишишга тайёрлаб боради:

Думбултой учун уялиш, довдираш, бировнинг салобатидан чўчиш каби одатлар бегона эди. Шу учун тортиниб ўтирмай, имтиҳон хонасига дадил кирди. Даллол йигитнинг кўрсатмасига амал қилиб, тилига келган сўзларни қайтармай, асосий саволларга дадил-дадил "жавоб берди". Жавоб беришга навбат кутиб ўтирган болаларнинг ҳингир-ҳингир кулгиси эътиборга олинмаса унинг "жавоб"лари диққат билан тингланди. Айниқса, имтиҳон комиссияси аъзоси киприк қоқмай диққат билан эшитди. Ниҳоят, навбат "беш" баҳони таъминлаш лозим бўлган қўшимча саволга келди.

Кейинги ўринда персонажларнинг ўзини ўзи таништириш вазифаси кўчирма гапли қўшма гаплар воситасида амалга оширилади:

Навоий ва Пушкин... - деди ўқитувчи Думбултойга ҳадиксираб қараб. Унинг бу қарашида "шоирларнинг номларини эшитганмикин?" деган қўрқув бор эди. - Уларнинг ижодини қандай ўрганамиз?

Ништяк қилиб ўрганиб ташлаймиз, - деди Думбултой жавобни ҳаяллатмай. - Шунақа зўр ўрганиб ташлаймизки, уларнинг ўзлари ҳам қойил қолишади. "Кўриб қўй, Пушкин братан, ваабше бунақаси бўлмаган", дейди Новвойи.

Бу жавобни эшитган ўқитувчининг пешонасини алам билан силашдан ўзга чораси қолмади. "Энди балога қолишим аниқ", деган қўрқувда комиссия аъзосига ўғринча қараб қўйди. Навоийдан бир байт, Пушкиндан икки сатр шеър айтиб беришни сўраш ортиқча эди. Думбултой эса ҳали-бери гапни бас қиладиган эмасди.

Келтирилган парчада муаллиф гапи персонажнинг ҳадиксираб қараши, қарашида қўрқув борлиги, пешонасини алам билан силашдан ўзга чораси қолмаганлиги, қўрқувда комиссия аъзосига ўғринча қараб қўйиши каби ҳолатларни тасвирлаши билан нутқий вазият тўғрисида муайян тасаввур уйғотса, Думбултойнинг нутқида қўлланилган "ништяк", "братан", "ваабше"," статя" каби русча сўзлар, "ёзайлук","хоп", "окахон" каби шевага хос сўзлар персонаж нутқини индивидуаллаштиришда кўчирма гапларнинг услубий вазифасини кўрсатиб турибди. Ўзаро мулоқот жараёнида иштирокчилар тилда мавжуд бўлган бирликларни қай даражада қўллаши орқали ўзини танита боради. Мулоқот жараёнида тилдаги ўзга гапларни қўллаш учун талаб қилинадиган нутқий эҳтиёж, вазият, сўзловчининг коммуникатив мақсади, нутқ қаратилган шахсга хос хусусиятлар ва унга бўлган муносабати унинг нутқини бошқалардан ажратиб туради.

Матнда кўчирма гап сўроқ гап шаклида бўлса-да, ироник мазмун ифодалаган: Ўқитувчи ўзини босишга, ачиган гапларни тоқат билан тинглашга қанчалик уринмасин, охири ўзини тутолмай, пичинг билан савол бериб юборганини ўзи ҳам билмай қолди:

-Навоий Пушкинни таниганми?

Кўчирма гаплар воситасида сўзловчининг нутқ қаратилган шахсга нисбатан ижобий ёки салбий муносабати ифодаланиши эмоционал мазмунни шакллантиради. Нутқий фаолият амалга ошаётган шароит, сўзловчи коммуникатив мақсадига боғлиқ ҳолда ўзга гаплар ҳис-туйғу ифодалаш, таъсир этиш воситасига айланиши мумкин. Ана шундай вазиятдан келиб чиқиб, ўзга гап хурсандчилик, завқланиш, қувонч, танбеҳ бериш, таҳдид, ҳақорат, қўрқиш, миннатдорчилик билдириш, афсусланиш, норозилик, эътироз, нафратланиш, ғазаб, ўкинч, алам, пушаймон, мусибат, мамнунлик каби турли эмоционал маъноларнинг юзага чиқишини таъминлайди. Бу маънолар матн мазмуни ҳамда оҳанг билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Суҳбатнинг кейинги босқичида муаллиф гапи таркибида ифодаланган новербал ҳаракат персонажнинг нутқий вазиятда ўзини қандай тутганлигини, мулоқотга қай даражада тайёрлигини ифодаламоқда:

Саволни беришга берди-ю, илоннинг думини босиб олганини англаб, росманасига қўрқиб кетди. Комиссия аъзосига яна қараб олди. Ҳайрият, Думбултой бу жиддий саволдан довдираб қолмади. Қўлини орқасига қилиб, бошини сал юқори кўтариб, жавобни тезлаштирди:

-Новвойи билан Пушкин битта улфатда бўлишган. Институтда ўқиб юришганда Новвойи Пушкинга қараб: "Ке, братан, бир шеър-пер ёзайлук", деган. Пушкин "Хоп, окахон", деган. Хуллас, у-бу ёзиб, газитга юборишган. Шунақа қилиб статялари чиқиб турган.Кейин зўр шоир бўлиб кетишган.

Ҳикояда кўчирма гаплар ўқувчини Думбултой хулқ-атвори билан тобора яқиндан таништириб бораверади. У сўзлайвергани сайин унинг характеридаги кулги уйғотувчи нозик қирралар кўчирма гаплар воситасида тобора яққол кўзга ташлана боради. Айниқса, унинг "кўчқор" ва "серка" сўзларнинг луғавий маъносидан бехабарлиги кучли юмор ҳосил қилган:

Комиссия аъзоси гапга чечан бу болага маҳлиё бўлиб ўтирган эди. Ўқитувчининг мурожаатидан сўнг довдиратиб ташлайдиган савол бермоқчидай бир ўйланиб олди-да, Думбултойга қаттиқ тикилди.

-Айтинг-чи, биродар... улар қўй боқишганми?

Бу савол хонадаги барчани, ҳатто Думбултойни ҳам гангитиб қўйди. Қойил қолиш керакми, биринчи бўлиб Думбултой ўзини қўлга олди ва янада дадил гапириб кетди:

Росаям боқишган-да! - шу пайт унинг ёдига кеча самовархонада Садир айтган сатр тушди: - Улар айрон ичишни яхши кўришган. Серка деган кўчқорларини ойилари соғиб, айрон қилиб берган.

Ўқувчининг Думбултой тўғрисидаги фикрлари унинг нутқида қўлланилган кўчирма гап таркибидаги "кўчқорни

соғмоқ” бирикмасини ўқиш орқали янада аниқлаштирилади. Ўткир ҳажв ва кучли юмор ҳикояда диалогик нутқ кўринишида давом эттирилган:

Кимнинг ойиси, аниқроқ айтинг: - деди комиссия аъзоси.

Пушкиннинг ойиси-да! У ёшлигида колхўзда сут соғувчи бўлиб ишлаган.

Комиссия аъзоси "маъқул" деб бош ирғаб қўйди. Ўқитувчи унинг қулоғига шивирлади: Жавоблари дуруст, а? “ Беш" қўямизми?

"Беш"га сал тортмай турибди. Жавобда битта хато қилди, -деди комиссия аъзоси. "Серка" дегани қўчқор эмас, эчки бўлади.

Ўқитувчи ажабланиб турди-да, яна пичирлади:

Навоий бундан беш юз қирқ йил муқаддам яшаган зот. У даврларда қўй "серка" деб аталган. Чунки "серка" шеърий қофияга яхши тушади. Академик Рубеннинг асарларида бу алоҳида қайд этилган.

Ҳикоя охирида кўчирма гаплар воситасида комиссия аъзоларининг ҳам билим савияси кўрсатиб берилади:

Буни мен ҳам биламан, - деди комиссия аъзоси қошини чимириб. - Мен бугунги кун нуқгаи назаридан айтаяпман. Умуман... сизга қўшиламан. Бунақа йигитларга фақат "беш" қўйиш керак.

Юқоридаги ҳикоялар таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, кўчирма гаплар бадиий матнларда асар муаллифи мақсадининг амалга ошишини таъминлайди. Юмористик матнларда кўчирма гаплар персонажлар характер-хусусиятидаги камчиликларни, нутқий ўзига хосликларни аниқ ифодалашга хизмат қилади. Бу эса ҳажвий асарлар тили ва услубининг бадиий матннинг бошқа турларидан фарқланиб туришини кўрсатади.

**Адабиётлар**

1. Ибрагимова Э.И. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодалашнинг усул ҳамда воситалари. Филол. фан. номз… дис. автореф. -Тошкент: 2001.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада бадиий матнда ироник мазмун ифодаланишида ўзга гапларнинг роли ҳақида сўз боради. Унда жиддий юмор арқали жамиятда мавжуд бўлган салбий ҳолатлар танқид остига олинади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье речь идёт о роли использования чужой речи в художественном тексте в ироническом смысле. При помощи юмора в ней критикуются отрицательные явления.

**SUMMARY**

The article deals with the role of using somebody’s speech in the literary text in the ironical meaning. The author criticizes the negative phenomena with the help of humour.

## КӨРКЕМ ӘДЕБИЯТ – СӨЙЛЕЎ МӘДЕНИЯТЫМЫЗДЫ ЖАҚСЫЛАЎ ҚУРАЛЫ СЫПАТЫНДА

**М.Пазылов** – *НМПИ хызметкери*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар**: ота, она, оға, янга, келинойи, телпак, арава.

**Ключевые слова:** папа, мама, брат, невестка, сноха, телпек (головной убор), телега.

**Key words:** father, mother, brother, daughter-in-law, sister-in-law, telpek (cap), cart

Қарақалпақ халқы әзелден балажан халық. Ҳәр бир ата-ана шаңарақта нәрестениң дүньяға келиўи менен оның сөйлеўин, тэй-тэй басып жүриўин, ҳәр түрли, сүйкимли қылықларды ислеўин күтип жасайды. Әсиресе, нәресте тилге кирип «ата» ямаса «апа» деген ўақтында қуўанышымыз қойнымызға сыймайды. Жасы үлкен ағаларымыздың, апаларымыздың айтыўларына қарағанда бурынлары шаңарақта биринши бала ямаса биринши қыз туўылғанда оған әкесине «әжаға», анасына «жеңге» яки «кише» деп әкесиниң әкеси ямаса әкесиниң анасы айттырған. «Алдыңғы арба қайдан жүрсе кейингисиде соннан жүреди» дегендей, кейинги туўылған балаларда өзинен үлкен баланың айтқанындай етип, өз ата-анасын шақыратуғын болған. Ал кейинги ўақытларда айырым ата-аналар туўылған балаларына «папа» ямаса «мама» деп айттырыўды үрдиске айландырып жиберген. Оның менен де турмай есикке жаңадан түскен келинлерде күйеўиниң әкесин «ата» деўге уялып «папа», ал күйеўиниң анасын «ене» деп айтыўдың орнына «мама» деп айтыўды күннен-күнге көбейтип атыр.

Ҳүрметли Президентимиз И.А.Каримов өз мийнетлеринде «Кишкене болып түйилетуғын ислерге де, итибарымызды күшейтип ҳеш қандай наразылыққа (эътирозга) орын қалдырмаўымыз тийис»лилигин көрсетип өтеди [1]. Деген менен, бүгинги күнде адамлардың бир-бири менен сөйлесиўи, қарым-қатнас жасаў жағдайларына сын көзқарас пенен қарайтуғын болсақ, балаларымыз «папа» ямаса «мама» деген ўақытлары ойланбай қуўанғанлығымыздың ақыбетинде өзлеринше жаңадан тил пайда етип атырған сыяқлыдай көринеди. Мәселен, «Братан не хызмет», «Сестра қай жерге баратырсыз», «Ия, бираздан өзим звондайм», «Не, не довольны болып жүрсиң», «Бәсе, солайма», «Без абида, жора, бәри нормальный болады», «Через базар арқалы», «Кароче айтқанда» ҳәм т.б көплеген сөзлердиң саны көбейип баратырғанлығының гүўасы боламыз. Ең ашынарлысы усындай сөзлерди қолланып атырған жаслардың арасына кирип барып «Балам ямаса иним, қарындасым, сиз «кароче» демей «қулласы» деп айтың», «звандаймын» демей «қоңыраў етемен» деп айтың, сиз көпшиликтиң арасындасыз»-деп ақылымызды айтып өтиўдиң орнына, бул сөзлерди жаслардың алдында билип-билмей өзлеримиздиң де қолланып қалатуғын ўақытларымыздың болатуғынлығы ҳеш кимге де сыр емес.

Өтмишке нәзер таслайтуғын болсақ, машақатлы күнлерди басынан кеширип, ҳадал мийнет ислеп күн көрип келген ата-бабаларымыз, бир-бирине болған ҳүрмет-иззетин жоғалтпаған, қала берди әдеплилик, мәдениятлылық сыяқлы инсанға тән уллы пазыйлетлерди жоқары баҳалаған. Өзлериниң даналыққа толы ақыл-нәсиятлары менен ул-қызларына тәлим-тәрбия берип, олардың жақсы инсанлар болып жетилисиўине себепши болған. Пикиримиздиң дәлийли сыпатында Өзбекстан Қаҳарманы, халқымыздың сүйикли жазыўшысы Төлепберген Қайыпбергеновтың «Қарақалпақ дәстаны» китабынан мысаллар келтирип өтейик.

Бәршеге белгили жазыўшының бул китабында аты әпсанаға айналған Айдос бийдиң өмири ҳәм сол ўақыттағы қарақалпақ халқының, ҳәр тәрепleme қысылыспаға ушырап жасағанлығы сөз етилген. Деген менен, дәстан қаҳарманы қаншелли аўыр заманда жасамасын, посып кетиў қарсаңында турған халықты бириктириў, билим алыў имканияты жоқ жасларға қол өнерлерин үйретиў, жетим-жесирлерге жәрдем бериў сыяқлы уллы ислерди әмелге асырған.

Мәселен, Айдос тәрепинен сол ўақыттағы Хийўа ханы Мухаммед Рахим ханның келисими алынып нәтийжеде, қарақалпақ халқына азда болса жәрдем берилип, қала салыўы ушын Хийўадан усталардың жиберилиўи ҳәм пахта егиў ушын рухсат алыныўы, арнаўлы қәнигелердиң келип заманласларына пахта егип үйреткенлиги қуўанышлы ўақыя болады. Айдос баба бул қуўанышларға жуўап ретинде елинде «Мириўбет күни»н өткериўди мақсет етип қояды. Китапта: «Кешеден баслап «Айдос аўылы» хайт кейпинде. Ҳәр бир үй өзинше таярланып, писатында барының ең мазалысын қазанға салып, өткен-кеткенди тойындырыўда… Мисли Наўрыз байрамы. Ушырасқанлардың езиўлеринде күлки, қоллары көксинде, бир-биреўге мириўбетли, сәлем ҳамдамлық. Ошақ басларында әллеқандай парахатшылық «Мириўбет күни» жәрияланғалы Айдостың иши улыдүпилди» [2:164] -деген көринислер жазыўшы тәрепинен келтирилип өтиледи. Усы орында «Өмир тәшүйишлери жетпегендей, сырттан келген ҳәр түрли жаўдың халықты тонап, көплеген азап-ақыретлерди көзи көрип, қорқынышта жасап жүрген бир пайытта «Мириўбет күни»н өткермекши болған ел ағасы Айдостың мақсети не еди»? деген сораў туўылыўы тәбийий. Бул бойынша китапта: «Сахрайы халыққа, еркин сөйлеўге үйренген аўылында «сен» орнына «сиз»ди енгизиў, жаслардың жасы үлкенге мәжбүрий сәлеми, аўыл басшылары киятырғанда адамлардың бийтәртип сөйлеп сөгинбеўи…» [2] деген қатарларын оқып Айдос бабамыздың, сол ўақыттағы пүткил қарақалпақ халқына бир-биреўге ҳүрмет-иззетин жоғалтпай, дурыс сөйлеўди ен жай-